

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ИНСОН ҚАДРИНИНГ АХЛОҚИЙ МУАММОЛАРИ

Абдуганиева Гулноза Абдурахим кизи,

Наманган давлат педагогика институти мустақил изланувчиси.

E-mail: abduganievagulnoza8@gmail.com

Тел: 99 975 78 87

Аннотация: Мақолада ахборотлашган жамият шароитида инсон қадр-қимматининг ахлоқий мазмуни фалсафий-антропологик ва аксиологик ёндашувлар асосида таҳлил қилинади. Ахборот-коммуникация технологиялари, виртуал фаолият ва сунъий интеллектнинг кенгайиши натижасида юзага келаётган ижтимоий-ахлоқий муаммолар очиб берилади. Виртуал қадриятларнинг шаклланиши, уларнинг ёшлар онгига таъсири ҳамда глобаллашув шароитида инсон қадрининг трансмиллий аҳамияти асослаб берилади.

Калит сўзлар: Ахборотлашган жамият, инсон қадр-қиммати, ахлоқ, виртуал фаолият, виртуал қадриятлар, сунъий интеллект, глобаллашув.

ЭТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА ЗАСЛУЖИВАЮТ ВНИМАНИЯ В ИНФОРМИРОВАННОМ ОБЩЕСТВЕ

Аннотация: В статье анализируются нравственные проблемы человеческого достоинства в условиях формирования информационного общества с позиций философско-антропологического и аксиологического подходов. Раскрываются социально-нравственные последствия расширения информационно-коммуникационных технологий, виртуальной деятельности и искусственного интеллекта. Особое внимание уделяется процессу формирования виртуальных ценностей, их влиянию на сознание молодежи, а также транснациональному значению человеческого достоинства в условиях глобализации.

Ключевые слова: информационное общество, человеческое достоинство, нравственность, виртуальная деятельность, виртуальные ценности, искусственный интеллект, глобализация.

ETHICAL PROBLEMS OF HUMAN DESERVE IN AN INFORMED SOCIETY

Abstract. The article examines the moral problems of human dignity in the context of the development of the information society from philosophical-anthropological and axiological perspectives. It analyzes the socio-ethical consequences of the expansion of information and communication technologies, virtual activities, and artificial intelligence. Special attention is paid to the formation of virtual values, their influence on the consciousness of young people, and the transnational significance of human dignity in the conditions of globalization.

Keywords: information society, human dignity, morality, virtual activity, virtual values, artificial intelligence, globalization.

КИРИШ

Ахборотлашган жамият — жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва инсон тараққиётида ахборот соҳасининг кенгайиши, аҳамияти ва таъсири ортиб бориши, ахборотни ишлаб чиқариш, уни сақлаш амалиётга қўллаш ва бошқаларга етказиш жараёнининг глобал хусусиятларга эга бўлиши билан боғлиқлигини ифодаладиган тушунча.

Жамиятни ахборотлаштириш жараёни ҳозирги кунда глобал хусусиятга эга бўлиб, илмий техникавий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзагини ташкил этмоқда. Жамиятни ахборотлаштиришни фақат техник-технологик муаммолар ечими билан боғлаш мумкин эмас. Аксинча, жамиятни ахборотлаштириш босқичи, ўз моҳиятига кўра, инсон ва жамият манфаатларида ахборот ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий техник ва ижтимоий-маданий жараён ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, инсон кадр-қиммати масаласи ахборотлашган жамиятдаги энг долзарб ахлоқий муаммолардан бирига айланмоқда. Бироқ фалсафий антропологияда инсон кадр-қиммати кўп ҳолларда эркинлик ва адолат каби қадриятлар соясида қолиб кетмоқда. Ахборот маконининг кенгайиши, виртуал фаолият ва сунъий интеллектнинг ҳаётга чуқур кириб келиши инсон кадр-қимматини қайта назарий баҳолашни тақозо этмоқда.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Фалсафий-антропологик ёндашув — инсон кадр-қимматини унинг ижтимоий ва маънавий моҳияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш;

Аксиологик ёндашув — ахборотлашган жамиятда шаклланаётган қадриятлар тизимини баҳолаш;

Фанлараро таҳлил — фалсафа, социология, ахлоқшунослик ва ахборот технологиялари соҳалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очиб бериш;

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Таҳлилий ва қиёсий усуллар — виртуал қадриятларнинг анъанавий қадриятлар билан муносабатини аниқлаш. Жамиятни ахборотлаштириш медиатизация, компьютерлаштириш ва интеллектуализация жараёнлари орқали амалга оширолмоқда. Бу жараёнлар инсон онги ва қадриятлар тизимига

бевосита таъсир кўрсатмоқда. Виртуал маконда шаклланаётган қадриятлар инсон кадр-қимматини юксалтиришдан кўра, кўп ҳолларда уни инструментал ва истеъмолий объектга айлантирмоқда. Виртуал қаҳрамонлар, виртуал алоқа, виртуал севги, виртуал эҳтирослар, виртуал таълим ва виртуал ибодат каби феноменлар айниқса ёшлар онгида анъанавий ахлоқий меъёрларнинг сусайишига олиб келмоқда. Интернет ва сунъий интеллект алгоритмлари инсоннинг дунёқарашини шакллантирувчи асосий омилга айланиб, манипуляция ва ахборий қарамлик хавфини кучайтирмоқда. Виртуал жиноятчилик ва виртуал товламачилик инсон кадр-қимматига таҳдид солувчи ижтимоий омил сифатида намоён бўлмоқда.

Жамиятни ахборотлаштириш жараёни бир-бири билан боғлиқ бўлган уч қисмдан таркиб топади:

биринчи қисм, медиатизация – ахборот тўплаш, сақлаш ва тарқатиш воситаларини такомиллаштириш жараёни;

иккинчи қисм, компьютерлаштириш – ахборот қидириш ва унга ишлов бериш воситаларини такомиллаштириш жараёни;

учинчи қисми, интеллектуализация – ахборот яратиш ва уни идрок этиш қобилиятини ривожлантириш, яъни жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, шу жумладан, сунъий интеллектдан фойдаланиш жараёнидир.

Умуман олганда, жамиятни ахборотлаштиришни замонавий ахборот техника воситалари ёрдамида ижтимоий тузилмалар ва жараёнларни такомиллаштириш деб талқин қилиш мумкин.

Ахборотлашган жамият ва унда ахборот алмашинувининг хусусиятлари масаласига доир тадқиқотлар муаллифи америкалик социолог Даниел Белл «ахборотлашган жамият» тушунчасининг келиб чиқиши тўғрисидаги Концепциясида қуйидаги жиҳатларни кўрсатиб ўтади:

ахборий-техник – бу техникавий заҳиралар бўлиб, уни жамият ишлаб чиқаради ва фойдаланади;

ижтимоий-ахборот – бу жамият томонидан ахборот технологияларидан фойдаланиш;

ижтимоий-техник — ижтимоий-антропологик хусусиятларни қамраб олади. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, жамият ахборотлашиши ижтимоий ҳаётга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Бунга, аввало, оммавий ахборот воситалари, уяли телефон ва интернет тармоғи ривожланиши натижасида шакллланган янги ижтимоий муаммоларни киритиш мумкин.

Э.Тофлернинг фикрига кўра, аслида, «ахборот ҳокимияти» саноатлашган жамиятда давлат бошқарувининг амалдаги учта ҳокимиятига нисбатан норасмий тарздаги «тўртинчи ҳокимият» издошидир.

Бугунги кунда инсон қадри алоҳида ва юксак антропологик ва ижтимоий мақомга эга бўлиб, у эзгулик сифатидаги чинакам ахлоқий категория доирасидан ташқарида ҳам қайта кўриб чиқилмоқда. Глобал дунёда инсон қадр-қиммати рақамли цивилизацияга йўналтирилган коммуникатив жаҳон ҳамжамиятини шакллантириш, инсоният келажагининг антропологик муаммоси, сайёравий миқёсдаги экологик вазият, глобаллашаётган дунёда ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатларни қайта йўналтириш каби замонавий муаммоларга жавоб излаши зарур. Айниқса, инсон қадри - трансмиллий тартибга солувчи ўзаро муносабатларга ўтишда миллий-этник ва миллий-давлат муносабатлари муҳим аҳамиятга эга.

Глобаллашувни табиий-тарихий жараённинг ўз-ўзидан ҳаракатланишидаги мегатренд сифатида онтологик тушунишга асосланиб, умуминсоний, трансмаданий аҳамиятга эга бўлган инсон қадр-қимматининг антропологик қийматини асослаш мумкин. Антропо-аксиологик ёндашув ва фанлараро усуллардан фойдаланиш инсоннинг антропо-ижтимоий ахлоқий табиати ва ижодий қадриятига асосланган қадр-қимматнинг умуминсоний қийматини очиб беради.

“Виртуал қадрият” тушунчаси контекстга қараб бир нечта нарсаларни назарда тутиши мумкин: кенг маънода булар виртуал реалликда, хусусан, интернетда актуаллашган ва шаклланадиган қадриятлардир; тор маънода бу тушунча онлайн ўйинлар ва ижтимоий тармоқлардаги виртуал товарларга, шунингдек виртуал валюталарга тегишли бўлиши мумкин.

Аввало, “Виртуал қадриятларнинг интернетдаги афзалликларини ким ва қандай шакллантиради?”- деган саволга ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунда виртуал макон – иш ва ўйин кулги жойи сифатида тобора кўпроқ ҳақиқий дунёни тўлдиради ва хатто ўрнини босади. Кўпчилик энди улар асосан смартфонларда яшаётганини пайқамади. Бу шуни англатадики, таркибни бошқарадиганлар жуда катта кучга эга бўлишади. Интернетда биз истеъмол қилаётган маълумотлар аллақачон бизнинг ҳақиқатимизни шакллантирмоқда, дейди сунъий интеллект (СИ) мутахассислари. Сериянинг ушбу қисмида улар трафик устуворлиги, соя таъқиқлари ва эътибор устуворлиги нима эканлигини, махсус алгоритмлар ҳар биримизни дунёнинг маълум бир расмида қандай “ёпиб қўйиши” ва бу бўлиниш инсониятга қандай таҳдид солаётганини тушунтиради.

Бугунги кунда виртуал қадриятлар интернет оламининг сиёсий онгини шакллантириш омилига айланиб жамоатчилик фикрига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Жамиятшунос Д.С.Мартянов “виртуал қадрият” тушунчасини, псевдомоддий қадриятлар турини аниқлайди. У эмпирик тадқиқотлар асосида виртуал қадриятларнинг сиёсий онгга таъсири ҳақида хулосалар чиқаради. Унга кўра, ёлғонлар ҳақиқат кўринишида “намоён бўлади”, ҳар қандай баҳолаш субъектив бўлади, яширин бўлган ҳеч нима қолмайди. Шунда виртуал ҳақиқат қурилмалардан ташқарига чиқади ва ҳозирда яхши тушунилмаган қийматини олади. Қадриятларни виртуал олам (шунингдек, сунъий интеллект) СИ ни назорат қила бошлайди ва одам билан дақиқама-дақиқа ўзаро таъсир қилиш натижасида, онгда у аста-секин хотиралар, рефлекслар ва тушунчалар ҳақиқатида муҳим қисмини эгаллаб, ҳаётимиз учун қадрли бўлишни бошлайди. Мавжуд бўлмаган ҳодисалар, танишлар руҳиятимизни, ҳаётимизни бошқара бошлайди, бизни ўзгартира бошлайди. ...

Инсон қадри масаласи виртуал фаолият соҳасида “севимли машғулотлар дунёси” деб аташ ҳам мумкин. Бу “дунё”нинг вазифаси – а) эътиборни жалб қилиш; б) пулни совуришдан иборат. Бу жараёнлар ота-она, мактаб, жамият томонидан ўргатилганидан фарқли ўлароқ, болага бутунлай бошқача

қадриятлар ва мақсадларни юклайди. Бу кўринишларни замонавий қадриятларга асосланиб қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Виртуал қаҳрамонлар (мультфильм, компьютер ўйинлари, бадиий фильм қаҳрамонлари). Уларнинг хавфли томони бу образлар боланинг танловига таъсир кўрсатишдек прагматик мақсадларга эга бўлиб, қадрият йўналишларининг ўрнатилган тизими йўқлиги сабабли эзгу ишларни ёвузликдан тўлиқ ажрата олмайдиган шахслар томонидан сунъий равишда яратилганлигида.

2. Виртуал алоқа. Мобил алоқа воситаларининг тарқалиши Ер юзидаги деярли ҳар бир одамга бошқа ҳар қандай одам билан виртуал алоқага киришга имкон берди. Бунинг салбий жиҳати фарзанднинг ота-она билан мулоқот, муомала ва муносабатини йўқолиб боришида кўринади. Бола ўзини қўллаб-қувватлашни истаганда яқинларини эмас, балки ижтимоий тармоқни, “виртуал дўст”ларни танлайди. Бу “дўстлар” аксарият ҳолларда боланинг ҳаётини бузишга олиб келади. ...

3. Виртуал севги. Ҳозирги алоқа технологиялари жойингиз ёки уйингиздан чиқмай туриб “севги” билан учрашиш имконини беради. Виртуал дунёда танишишда ҳеч қандай мажбурият, масъулият йўқ. Аксинча, атрофда ўнлаб ва юзлаб танловлар мавжуд. Натижаларнинг аксарияти эрта турмуш, эрта туғруқ, эрта ажрашиш ва хатто аборт, ўз жонига қасд қилиш кузатилмоқда.

4. Виртуал эҳтирослар. Бу порнографик сайтлар, эротик чатлар, онлайн трансляциялар, танишув хизматлари ва ҳоказолар билан боғлиқ. Бу “хизматлар”нинг асосий мақсади – эҳтиросларни уйғотиш ва қондиришга бўлган барқарор истакни шакллантиришдан иборат бўлиб бормоқда. Бу ҳодиса ўзаро севги ва садоқатга асосланган оилавий қадриятлар моделларини идрок этиш ўрнига жинсий ва шахвоний қониқишга асосланган ибтидоий эҳтиросли муносабатлар модели фаол равишда имплантация қилинади.

5. Виртуал эҳтиёжлар. Интернет хизматларининг мазкур “қадрияти” чексиз талабни чексиз харид қилиш имкониятини берадиган “савдо майдони”дир. Бу бозордан истаган иллатлар (қурол, ўғирлик, наркотик, интим хизматлар)га буюртма бериш ёки сотиб олиш мумкин.

6. Виртуал ҳордиқ. Виртуал қадриялар ичидаги энг муҳим бўғин бўлиб, видео ресурслар энг муҳим ҳисобланади. Бунда ресурслар жозибалиги, томошабоплиги (You Tube), осон пул топиш ва айниқса, муносабат (like) орқали бойиш ва рағбатлантириш имкониятининг кенглиги билан аҳамиятлидир.

7. Виртуал реклама. Бунда интернет фойдаланувчиси тижорат тузилмаларининг истеъмолчи учун устуворликлари, сохта маҳсулотлар, носоғлом рақобат муҳит иштирокчисига ёки жабрланувчисига айланиш эҳтимоллари катта.

8. Виртуал ибодат. Бу жуда зиддиятли “хизмат” тури бўлиб, бир томондан, диний масалада буюртма бера олмайдиганлар учун “яхши ёрдамчи”. Бироқ, бу эътиқодни сусайтиришига олиб келади. Яъни, ибодаб қилиш учун буюртма берасиз, Интернет эса бу вазифани “имом” ёки “руоний” зиммасига юклайди.

9. Виртуал таълим. Онлайн таълим сўнгги ўн йилликларда энг машҳурларидан бирига айланди. Бироқ, бундай таълимнинг сифати шубҳали эканлигини, биргина ёшларнинг виртуал мулоқотида нутқ тузилмаларининг “саводсизлиги” билан изоҳлаш мумкин. ...

10. Виртуал даволаш. Маҳаллий тиббиётдаги инқироз ёки коррупциоген ҳолатлар мижозда ишончсизликни пайдо қилиши натижасида виртуал белгилар ёшларга ҳақиқий шифокорлардан кўра кўпроқ ишонч уйғотмоқда. Бундай ҳолда, одамлар уларни бир-бирларига "ташхис қўйиш" учун ишлатадилар ва кейин "даволаниш" ни тавсия қиладилар. Даволанишнинг бу шаклида афсуски, натижалар яхши эмас.

11. Виртуал жиноят. Маълумки, Интернет катта миқдорда умумий ва хусусий маълумотларни узатиш имкониятига эга. Махсус хизматлар бу маълумотларни йиғиш, назорат қилиш билан шуғуллансада, бошқа бир бўғинда маълумотлар (контент)ларни сохталаштиришга, алдашга, фириб беришга олиб келадиган жиноий гуруҳлар, тузилмалар кескин кўпайиб бормоқда.

12. Виртуал товламачилар. Конкрет шахс, халқ, давлат даражасида онгни қайта ишлаш билан шуғулланадиган гуруҳлар мавжуд. Бу тузилмаларнинг вазифаси жараёнларни тушунишнинг яхлитлигини бузиш ва

бундай ҳолатда манипуляцияга мойил бўлган одамларнинг онгида чалкашликларни келтириб чиқаришдан иборат.

Одамлар орасида тез суратларда кенгайиб бораётган мазкур “қадриятлар силсиласи” виртуал оламда инсон қадрини юксалтиришдан кўра, акс таъсир кўрсатади. Муаммоли жиҳати шундаки, авлодларининг ҳаётий қадриятларини шакллантириш ва тарқатишнинг асосий жараёнларини виртуал соҳага ўтказиш тенденцияси кучайиб бораётганидан далолат беради. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳозирги пайтда веб био (veb bio) тармоғини яратиш бўйича глобал лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳанинг мақсади ягона компьютер тармоғига алоқа мосламаларини эмас, балки тирик одамларни электрон чипларни жойлаштириш орқали бирлаштириш, бу уларга доимий равишда онлайн режимда бўлиш имконини беради. Инсонга, унинг хулқ-атвориға, руҳиятиға, танлаш қобилиятиға ва ҳоказоларға кечаю кундуз таъсир қилишнинг мумкин бўлган оқибатларини тасаввур қилиш ҳам қўрқинчли.

ХУЛОСА

Ахборотлашган жамиятда виртуал қадриятларнинг кенг тарқалиши инсон кадр-қимматининг ахлоқий асосларига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Виртуал фаолият имкониятлари инсон камолотиға хизмат қилиши учун улар ахлоқий меъёрлар, ижтимоий масъулият ва инсонпарварлик тамойиллари асосида тартибга солиниши зарур. Инсон кадр-қиммати мутлақ ва умуминсоний қадрият сифатида англаш ахборотлашган жамиятнинг барқарор ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Виртуал макон қадриятлари инсон камолотиға маънавий алоқани бузиш орқали эришиш имкониятини тақдим этади. Бу имконият ранг-баранг ресурслар, маълумотлар, ахборотлар, томошалар ва муносабатлар маънавий бўшлиқнинг виртуал иллюзияси билан алмаштиради. Натижада унинг тубидаги миллиардлаб дунёқараш ва тафаккурни инқирозга буради.

Бизнингча, муаммо унинг ривожини режалаштиришда эмас, балки салбий оқибатларнинг олдини олишдадир. Зотан, унинг режали, бошқариладиган йўналишдан фарқи ҳам шунда. Ҳодисалар хавфли томонга бурилишининг эҳтимоли катта. Бунинг учун сайёрамиздаги ахборот

тизимларини монополлаштириш ва уни айрим гуруҳларнинг тор манфаатларига бўйсундириш ҳаракатида юрган кучларни эсга олиш кифоя.

Сунъий интеллектнинг инсонийлик ахлоқидаги ўрни довулдан “уйимни бузма” деб сўраш билан баробар. Чунки, сунъий интеллектда на виждон, на ихтиёр эркинлиги, на адолат мавжуд: у бор-йўғи субъектдан маҳрум қилинган башоратнинг статистика машинасидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Назаров Қиём. Жаҳон фалсафаси қомуси I. –Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, “Маънавият” нашриёти, 2023. -117 б.
2. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования. Пер.с англ. В. Л. Иноземцева. – М.: Academia, 1999. – 956 с.
3. Маъсуда Й. Информационное общество как постиндустриальное общество. – М.: 1991. - С.172.
4. Тоффлер, Э. Третья волна = The Third Wave. – М.: АСТ, 2010. – С.448.
5. Г.Г.Коломиец, Я.В.Парусимова, И.В.Колесникова. Философия человеческого достоинства в проблемном поле глобального мира. //Вестник РУДН. Серия: Философия. –Оренбург: «Оренбургский государственный университет», **2019. №23. С. 508-520.**
6. Мартянов Д.С. Виртуальные ценности как фактор формирования политического сознания российского Интернет-сообщества // Вестник СПбГУ. Сер. 6. 2015. Вып. 4. С.33-40.